Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

3-йил чиқиши
16 АПРЕЛЬ 1968 й.
СЕШАНБА
№ 89 (548)
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА

Байрам вахтасида

«Беш йиллик план топшириқларини барвақт бажарамиз» — электр машинасозлиги заводининг меҳнатсевар ишчи, инженер-техник ходимлари ана шу шиор остида ишлаб муҳим кўрсаткичларни қўлга киритаётирлар.

Завод коллективи беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари адо этиш юзасидан бошланган ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб, зиммаларига юксак мажбуриятлар олганлар. Шу кунларда корхонанинг ҳамма цехларида ана шунга яраша меҳнат қилинаётир.

Кун сайин авж олаётган мусобақада механика ва тайёрлов цехларининг аъзоматлари яхши натижаларга эришишяпти. 1 Май шарафига авж олдирилаётган мусобақада ҳам ана шу цех ишчилари намуна кўрсатиб ишлаб кўплаб пайвандлаш трансформаторлари ва электр чироқлари учун мосламалар тайёрланишига муносиб улуш қўшаётирлар.

* * *

Тўқимачилик комбинатининг иккинчи йигирув фабрикаси коллективи ўтган ойда яхши натижаларни қўлга киритди. Меҳнатсеварлар апрель ойида ҳам суръатга суръат қўшиб ишламоқдалар.

1 Май меҳнат вахтасида туриб ишлаётган саваш цехининг ишчилари эса кун сайин янги зафар қучяпти. Бунда цехнинг тажрибали, ветеран ишчилари ишда барчага намуна бўлишяпти. Ж. Маниопов, Ш. Гареева сингари меҳнат пешқадамлари зиммадаги топшириқларини ошириб ado этиб, коллектив шуҳратига шуҳрат қўшмоқдалар.

Мавсумга шайланиб

3-трикотаж фабрикасида соф жун матодан янги фасонларда кийим-кечаклар тайёрлаш йўлга қўйилди. Фабрикада янги дунёга келган нораснадаги йўргакланадиган оригинал комплект, кичкинтойлар учун жажжи костюмлар кўплаб ишлаб чиқарила бошланди. Булар моминдай юмшоқ ва пухта матолардан тайёрланяпти.

Кўкламги ва ёз мавсумига пухта тайёргарлик кўрган коллектив нозик дидли хотин-қизларни ҳам унутгани йўқ. Улар учун мавсумга атаб кўплаб кулай ва чиройли жемперлар ишлаб чиқармоқдалар. Бу жемперлар чиройли гуллар акси туширилган ип аралаш трикотаж полотноларидан тайёрланяпти.

Буюмларни элга манзур бўладиган қилиб тайёрлашда ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда тўқув цехининг ходимлари А. Муродов ва Н. Кишкина, мастер С. Терехов, мастер ёрдамчиси Х. Юсупова, рассомлардан А. Кюбер ва Ш. Фатхуллаев ўртоқларининг озмунча меҳнатлари сарф бўлмади.

Фабрика ишчилари, инженер-техник ходимлари 1 Май шарафига вахтада туриб меҳнат қилишяпти. Улар мактаб ўқувчиларига атаб ҳар-хил ранглардаги матолардан спорт кийимлари ва кўйлаклар тайёрлашга киришдилар.

Биринчи қалдирғоч

Қорақамиш даҳасида ажойиб воқеа бўлди. У ерда иккинчи Тошкент ўйсозлик комбинатининг биринчи маҳсулотидан эксперименталь лойиҳалаш илмий текшириш Тошкент зонаал институти томонидан таклиф қилинган лойиҳа бўйича уй қурилди.

72 квартирали уй шу 2-уйсозлик комбинати маҳсулотидан қурилган бўлиб, у зилзилага чидамли. Шу вақтга қадар қурилган бошқа квартираларга нисбатан анча қулай, айвонлари кенг. Уй очиқ усулда эмас, балки деворлар орасига ўрнатилган батареялар ёрдамида истилади. Тайёр санитария кабиналари ўрнатиш ҳам кўзда тутилган.

Тошкентнинг Шимолий саноат зонасида барпо этилган янги комбинат ҳар хил квартирали шундай уйлар учун поток усулида панеллар чиқаради. Ҳозир завод маҳсулоти билан 32 квартирали иккинчи уйни қуриш ниҳоясига етказилмоқда.

Янги комбинатнинг биринчи навбати ҳар йили 140 минг квадрат метр уй-жой учун панеллар ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Шу йилнинг ёзида комбинатнинг иккинчи навбати фойдаланишга топширилади. Олдин Қорақамишда, кейинчалик Тошкентнинг бошқа районларида бу корхонанинг маҳсулотларидан тўла фойдаланилади. Шунга кўра, уйларни тезкорлик методи билан йиғиш имкониятини берадиган технология ишлаб чиқилди.

План ортиғи билан

«Главташкентстрой»га қарашли саноат корхоналари бошқармаси ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича биринчи квартал планини 104 процент бажарганлиги ҳақида корхона бошлиғи ўртоқ Гауфлер хабар берди.

— Планни бажаришда, — дейди ўртоқ Гауфлер, — кўпгина корхоналар, жумладан 3-темир-бетон буюмлари заводи ҳисса қўшди. Бу завод кварталнинг планини 120 процент бажарди. Шунингдек, ўртоқ Клеблеев директорлик қилаётган 1-темир-бетон буюмлари заводи ҳам квартал планини 108 процент бажарди.

Ўртоқ Аснин директорлик қилаётган ёғочсозлик комбинати квартал планини 112 процент бажариб, планга қўшимча кўпгина сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарди. Шунингдек, Қўйлиқ карьеридаги ва Чиноздаги инерт материаллар тайёрловчи корхоналар ҳам намунали ишладилар.

Ҳозир бу корхоналарнинг ишчилари 1 Май шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, апрель ойи топшириғини ҳам муддатидан олдин бажариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Ёрдам фондига

Охунбобоев номли Тошкент пахта тозалаш заводида жума куни коллективнинг митинги бўлиб ўтди. Корхонанинг ишчи ва хизматчилари, инженер ҳамда техник ходимлари Касаба Союзлари Жаҳон Федерацияси Бош Советининг Фавқулодда сессиясининг қарорларини тўла ва батамом маъқулладилар.

Шанба куни заводнинг бутун коллективи ишга чиқди. Коллективнинг шу куни қилган ялпи меҳнатидан келган даромад қаҳрамон Вьетнам халқига ёрдам фондига ўтказилди.

САМАРҚАНДНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА

РЕГИСТОНДА МУШОИРА

1968 йилнинг ёз ойлари... Рим шаҳрининг тенгдоши Самарқанд байрам либосида. Неча-неча асрлардан бери ҳаяжонли воқеаларнинг гувоҳи бўлган Регистон майдони бу кунги тантанага келган одамларни ўз қучоғига сиғдира олмаган. Кўша-кўша карнай-сурнайларнинг садоси майдон узра янграйди. Бу ерга тўпланганлар орасида Ўзбекистонимизнинг энг ҳурматли кишиларини, таниқли адиб ва санъаткорлари, олимларини кўрамиз. Ҳаммасининг нигоҳи ўртадаги ҳарир пардага ўралган улкан қоматга қаратилган.

Парда оҳиста туширилиб шеркнинг жаҳонга донғи кетган икки мутафаккири, ўзбек ва тожик шеъриятининг икки бобокалони сиймолари намоён бўлади. Ҳамма саноатли бу обидани гулдурос қарсаклар билан кутиб олади.

Мухтарам газетхон, ҳаёлан бироз илгарилаб кетдик. Энди мақсадга ўтайлик.

Ҳаммамизга маълумки, бепоён Ватанимизда буюк шоир ва файласуф Алишер Навоий туғилган кунининг 525 йиллик тўйига қизғин ҳозирлик кўрилаётир. Табаррук зотнинг муборак тўйига тайёрланаётган совғаларнинг саноғига етиб бўлмайди. Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги қошидаги ёдгорликларни сақлаш бош бошқармаси ҳам мутафаккирнинг юбилейига энг қимматли, энг арзигули совғалар тайёрлашга киришган эди.

Бош бошқарма ташаббуси билан шу йилнинг бошларида Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийнинг дўстлиги, ижодий ҳамкорлигига бағишланган ҳайкал яратиш мақсадида конкурс эълон қилинган эди.

Ижодий конкурсга ҳавола этилган бўлажак ҳайкалларнинг хомаки намуналари, макетлари, ҳужжатлари билан танишдик. Асарлар қўйилган хонага киришимиз билан кўз олдимизда ўша севимли, қадрдон, кўҳна шаҳарнинг қиёфаси жонлангандек бўлди.

Стол устига Улуғбек, Шердор, Тилла қори мадрасаларининг жажжи кўриниши қўйилган. Уларнинг бир томонида эса шу кунларда тезкорлик билан қурилаётган тарихий музей биноси тасвирланган. Ана шу бинолар ўртасидаги тўрт бурчакли кафтдек супага митти қоматлар қўйилган. Бу қоматлар ана алоҳида столда бутун бир қиёфаси билан қўйилган. Шеърият санъатининг чавандози Абдураҳмон Жомийнинг диққати, қўлидаги ярим очиқлик «Ҳамса»нинг саҳифаларидаги марварид сўзлар маржонининг маъно ва мазмунини чақишга таҳлил қилишга қаратилган. Унинг ёнида Алишер Навоий устозига зўр ҳурмат ва таъзим билан турипти. Навоийнинг чеҳрасида унинг устозидан «Ҳамса» ҳақидаги доно маслаҳатларини олиш, ижоднинг яна янги сирларидан ошно бўлиш, ғазалият оламида тўлиб тошишга бўлган доимий ташналик, интилиш акс этган.

Икки буюк зотнинг қадди-бастида, ҳаракат ва ҳолатларида улуғлик, сиполик, фикр ва мулоҳазаларида эса оламга, ҳаётга, ижодга бўлган ўткир муносабат, доно маслаҳатларнинг мусобақаси бўртиб турипти.

Бу ёдгорлик лойиҳасининг муаллифлари — М. Мусабоев, Г. Годлин, П. Зоҳидов ўртоқлар ижод устида ишлашганда ҳамма нарсани ҳисобга олишган. Ҳайкалда икки улуғ адибнинг ёркин образи яратилган.

Муаллифларнинг таклифича бу ҳайкал оқ мармардан, постаменти эса жилоланган гранитдан ишланади. Ёдгорлик бутун бор бўйи билан Регистон майдонига янада файз киритади ва қадимий мадрасалар билан уйғунлашади.

Конкурс асарларидан яна бири М. Булатов, Ф. Ашрафий, Т. Ҳидоятов, Б. Ҳакимов, Ж. Эрмонов, Х. Хусниддинхўжаев, В. Лунев, Т. Сабитов сингари архитекторларнинг ижодига мансубдир. Уларнинг лойиҳаси ҳам ўз моҳияти билан Жомий ва Навоий ўртасидаги дўстликни мадҳ этади. Навоий илҳом булоғига берилган чоғи. У одамийлик ҳақида ҳаяжон билан ғазал ўқимоқда. Шоирнинг мақсади, изҳор этмоқчи бўлган ғояси устози Жомийга манзур бўлганлигидан у мамнунлик, хурсандлик кайфиятида. Навоийдаги теранликни, фикрлар дарёсининг тўғён қилишини сезган, ҳис этган Жомий шогирдини ҳаётга — ижод майдонига кузатяпти. Бу ажойиб манзара кишини нақадар ўйлантириб қўяди.

Навбатдаги асар «Мушоира» деб аталади. Чиндан ҳам сўз санъатининг бу усталари бир-бирларига асарларидан ўқиб беришган, ғазалият сирлари ҳақида мунозараларга берилишган.

Архитектор Ю. Ҳолдеев, ҳайкалтарошлар П. Иванов, М. Иванов ва рассом А. Ган ўз асарларига худди шу темани, икки шоирнинг ғазалхонлигини асос қилиб олишган. Икки томонда кўлеоза қоғози шаклида ишланган ёдгорлик-Бирида Навоий, бирида Жомий ёзилган ғазалларидан ўқишмоқда.

Шундай қилиб Регистон майдони мушоира ҳақидаги тарихий ёдгорлик билан бойийдиган бўляпти. Чиндан ҳам ҳайкал ўз номи билан мушоирани мадҳ этади. Ҳайкал атрофида зилол сув мавжланадиган ҳовуз, фонтанлар бунёд этилади.

Ҳайкал атрофида ҳар доим шоҳ-ҳонлик, ғазалхонлик оқшомларини ўтказиш мумкин.

Бўлажак тарихий обида тожик ва ўзбек халқларининг энг севимли шоирлари хотирасига ўрнатилган муносиб ёдгорлик бўлади.

А. ПУЛАТОВ.

Ўзбекистон Фанлар академияси микробиология бўлимининг вирусология лабораториясида қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши ишлатиладиган янги вируслар устида кенг илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

СУРАТДА: лаборатория бошлиғи биология фанлари кандидати Е. Денисова ва кичик илмий ходим М. Абдуганиева ўртоқлар пахта зараркунандаларига қарши ишлатилиб, инфекция ва вирусни ривожлантириш масаласи устида ишлаётирлар.

М. Нуриддинов фотоси.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАДАНИЯТИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ КЎРИГИ

ВЦСПС Президиумининг қарори

ВЦСПСнинг саноат, қурилиш, транспорт, алоқа ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда ташкилотлардаги ишлаб чиқариш маданияти юзасидан Бутуниттифоқ жамоат кўриги ўтказиш тўғрисидаги таклифларини СССР Министрлар Совети қарор чиқиб маъқуллади. Кўрикда ғолиб чиққан корхоналар, ташкилотлар, совхозлар ва колхозларнинг коллективларини мунофотлаш учун СССР Министрлар Совети билан ВЦСПСнинг дипломи таъсис қилинади.

ВЦСПС Президиуми В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига саноат, қурилиш, транспорт алоқа ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда ташкилотларида ишлаб чиқариш маданияти юзасидан 1968—1970 йилларда Бутуниттифоқ жамоат кўриги ўтказилишини эълон қилди.

Ишлаб чиқариш маданиятини ошириш юзасидан тузилган тадбирларни бажаришга қатнашиш учун ишчилар, хизматчилар, инженер-техник ходимларни кенг жалб этиш, деган ладил ВЦСПС Президиумининг қарорида, касаба союзларининг энг муҳим вазифаси, деб ҳисоблансин.

Касаба союзларининг марказий, республика, ўлка, область комитетларига ва советларига министрликлар ва идоралар, иттифоқдош ва автоном республикалар Министрлар Советлари, меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ижроия комитетлари билан биргаликда мазкур тармоқ, республика, ўлка, областнинг конкрет хусусиятларига асосланиб бир ой муддат ичида кўрикни ўтказиш, унга якун ясаш шартлари, тартибини ҳамда ғолибларни рағбатлантириш чораларини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш топширилди.

Шу нарса белгилаб қўйилдики, кўрикка ҳар йили якун ясаб борилади. СССР Министрлар Совети билан ВЦСПСнинг дипломлари эса Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигида топширилади.

ВЦСПС Президиуми мазкур қарорининг тўла тексти «Труд» газетасида босилади. (ТАСС).

Янги лойиҳалар

САРВҚОМАТ БИНО

Яқинда газ тармоқлари лойиҳасини ишлаб берувчи институт ходимлари барча қулайликларга эга бўлган янги бинога эга бўладилар. Бу институт учун Энгельс кўчасида 9 қаватли кўркам бино қурилади. Қурилиш майдонидаги мавжуд дарахтлар сақланган ҳолда иншоот олдида катта майдон бунёдга келтирилади. Бу ерда автомобиллар туриши учун жой ажратилади ва унинг ёнида эса катта сув ҳавзаси қурилади.

Лойиҳа институтининг янги биноси жуда кўркам. Унга ташқи томондан махсус қуёш тўсқичлар ўрнатилади. Институтнинг кенг ва ёруғ иш хоналаридан ташқари маркет тайёрлаш устахонаси, лойиҳалар нашр этиш устахоналари, кутубхона, кичик босма хоналар, муқовачилик устахонаси, медицина пункти, фото лаборатория, 150 ўринли ошхона бўлади.

Институт янги биносининг икки қаватдан иборат қисмининг биринчи қаватида катта даҳлиз, буфет, иккинчи қаватда эса 450 ўринли мажлислар зали бўлиб, радио ва кино кўрсатиш ускуналари билан жиҳозлантирилади.

Тўққиз қаватли баланд замонавий бино олдида унинг ҳусни билан уйғун ҳолда кенг майдон текис бетон тахталар билан қопланади. Манзарали дарахтлар ўтқазилиб, чиройли гулзорлар барпо этилади.

Бу кўркам бино лойиҳасини архитектор А. Д. Петросов ва инженерлар В. А. Демин, Л. А. Зелберт, Б. В. Шенкерлар тайёрладилар.

Д. РАҲМОНОВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ САҲИФАЛАРИДА

◆ «Космос-212» парвоза.

1968 йил 14 апрелда Москва вақти билан соат 13.00 минутда Совет Иттифоқида ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-212» учирилди.

Йўлдошга ўрнатилган илмий аппаратлар космик фазони тадқиқ қилишни ҳамда космик аппаратларнинг янги системасини ва таркибий қисмларини такомиллаштиришни давом эттиради.

◆ Республика химиклари 1968 йилда ўз зиммаларига илгари олинган 42 минг тонна ўрнига 86 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқариш ҳақида янги оширилган мажбурият қабул қилдилар.

86 минг тонна ўғитнинг 61,6 минг тоннаси шу йил пахта ҳосилдорлигини ошириш учун етказиб берилади.

2-тикувчилик фабрикасида ишга туширилган янги плессеровкалайдиган автомат 30 хил фасондаги либосларни плессеровкалайди. Автоматнинг ердами билан 12 минг сўмдан ортиқ пул тежаб қолинди.

СУРАТДА: экспериментальный цехининг бошлиғи М. Леонова ва прессеровкачи Л. Конькова янги маҳсулотни кўздан кечиришмоқда.

А. Тўхтахўжаев фотоси.

Сан-Антонио Тошкентни табриклаётир

Тошкент билан алоқа боғлаган кўп шаҳарлар қаторига яна бир шаҳар — Чилидаги Сан-Антонио шаҳри ҳам қўшилди. Шу шаҳарнинг жамоат арбоблари чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи республика жамиятига юборган хатларида эълонлага қатъий туриб бардош берган тошкентликлар ҳаётига ўз ҳаммаҳарларининг қизиқаётганлигини хабар қилдилар. «Чили — СССР» жамиятининг активлари бўлган дўстларимиз Совет давлатининг 50 йиллиги арафасида Сан-Антонио шаҳрида Ўзбекистон ва унинг пойтахтига бағишланиб, радиоэшиттириш ва выставка ташкил этилганлигини ҳам маълум қилдилар.

Мана энди Сан-Антонио аҳолиси ўз амалий санъати намуналарини Тошкентга юборди. Бу намуналар Ўзбекистон халқлари тарихи музейида бутун бир хонани эгаллаб турибди.

Шу выставканинг ҳар бир экспонатида совет қишиларига бўлган муҳаббат сезилиб турибди. Мана, милий нақшлар солинган ва усталик билан ясалган, сопол кўзалар, диоэшиттириш ва выставка ташкил этилганлигини ҳам маълум қилдилар.

Мана энди Сан-Антонио аҳолиси ўз амалий санъати намуналарини Тошкентга юборди. Бу намуналар Ўзбекистон халқлари тарихи музейида бутун бир хонани эгаллаб турибди.

Шу выставканинг ҳар бир экспонатида совет қишиларига бўлган муҳаббат сезилиб турибди. Мана, милий нақшлар солинган ва усталик билан ясалган, сопол кўзалар, ўйинчоқлар. Бу буюмларни Сан-Антонио шаҳри атрофидаги Кинчамали, Помайре, Пелен ва Конао деган гўрт қишлоқнинг энг яхши қулол усталари тошкентликларга атаб ясаганлар. Буларнинг ичида турган чиройлик саватларни Чимбарончо қишлоғининг деҳқонлари тўқиб юборишган. Тошкентга юборилган совғалар орасида ёғочга ўйиб ясалган нақшлар, қовоқ идишлар, Чилининг бадиий безаклар билан безатилган/ харитаси, шу мамлакатнинг диққатга сазовор жойлари тўғрисидаги китоблар ва деапозитивлар, миллий қўшиқлар ва рақсларнинг кўплари ёзилган пластинкалар бор. Чилидаги дўстларимиз визит карточкаси тариқасида ўзларининг байрам кийимларини ҳам юборганлар. Булар орасида чиройли яхтак, кенг Сомбреро қалпоғи ва шоҳи белбоғ ҳам бор. Булар Сан-Антонио гражданларининг ташқи қиёфаси билан тошкентликларни таништиради, деса бўлади.

Тошкентликлар Сан-Антонио аҳолисининг бу дўстлик туҳфасини қизғин ташаккур билан қабул қилиб олишди. Тез фурсатда узоқ Чили шаҳрига жавоб посилкаси жўнатилади. Бу посилкага Тошкент ва бутун Ўзбекистон ҳаётини ҳикоя қилиб берадиган материаллар солиб юборилади.

(ЎзТАГ).

Ер шарида кескин норозилик

БЕРЛИН, 15 апрель. (ТАСС.) Ғарбий Германиянинг сув ости кемаларини озлайдиган кемаси Германия Демократик Республикасининг Кўбадан Ростокка келаётган «Хелькер-Фройндшафт» кемаси билан Фемарн-Бельт бўғозида 13 апрелдан 14 апрелга ўтар кечаси тўқнашиб кетди. Германия Демократик Республикасининг кемаси бу тўқнашув натижасида шикастланган бўлса ҳам аммо бир амаллаб йўлини давом эттириб, 14 апрель эрталаб Росток портига кириб келди.

Шу муносабат билан Германия Демократик Республикасининг ташқи ишлар министрлиги вакили жуда кескин норозилик билдирди. У Германия Федератив Республикаси кемасининг бу ҳаракатларини қароқчилик ҳаракати деб айтиб, кемалар тўқнашганлиги натижасида келиб чиқадиган оқибатларнинг ҳаммаси учун Бонда халқаро ҳуқуқларни мана шундай бузиш ташаббускилари тўла равишда жавобгар эканликларини уқтириб ўтди.

ВЬЕТНАМ ХАЛҚИГА ҚАРШИ АГРЕССИЯ ТЎХТАТИЛСИН!

Тинчликни ҳимоя қилиш, Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги совет комитетлари билан Вьетнамни қўллаб-қувватловчи Совет комитети баёнот чиқариб, шу баёнотда Американинг Вьетнамдаги агрессиясини тўхтатиш учун курашда бутун куч-ғайратни аямаслик, зўр ғайрат билан сарфлаш зарурлигини ҳозирги вазият тақозо этмоқда, деб таъкидланади.

23—24 мартда Стокгольмда АҚШнинг Вьетнамдаги агрессиясини тўхтатишни талаб қилиб чиқаётган халқаро ва миллий ташкилотларнинг фавқулодда маслаҳат кенгаши бўлиб ўтди.

АҚШ президентининг Вьетнам Демократик Республикаси территориясини бомбардимон қилишни чеклаш тўғрисидаги баёноти АҚШ ҳукумрон доираларининг Вьетнамдаги «разил урушни» кенгайтиришга қаратилган авантюристик агрессив йўли барбод бўлганлигидан даволат берб турибди.

Бироқ, агрессорларнинг бомбалари жафокаш Вьетнам диёрида ҳали ҳам портлаб турибди, Америка қўшинларининг янги-янги қисмларини Жанубий Вьетнамга юбориш давом этмоқда.

Тинчликни ҳимоя қилиш, Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги ва Вьетнамни қувватловчи Совет комитетлари, дейилади баёнотда, АҚШ ҳукуматининг Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишини ва унга қарши бошқа уруш ҳаракатларини батамом ва фўзсиз тўхтатишга, Вьетнам Демократик Республикасига қарши агрессияни тўхтатишга, Вьетнам халқига қарши агрессияни тўхтатишга, Америкаининг ҳамма қуролли кучларини ва унинг иттифоқчилари қўшинларини Жанубий Вьетнамдан олиб чиқиб кетишга ҳамда Вьетнам халқига ўзининг ички ишларини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқи бемалишга эришмоқ учун миллион-миллион совет кишилари номидан барча мамлакатлардаги демократик жамоатчиликни, холис ниятли барча кишиларни актив ва матъсий ҳаракатларни тезлаштиришга чақирадилар.

(ТАСС).

"Тошкент оқшоми"га келган хатлардан

Қишлоқ хўжалиги институтида

Тошкент қишлоқ хўжалик институти комсомолларн темир-терсак тўплаш ишларини авж олдириб юбордилар.

Институт комсомоллари шу кунгача 15 тонна темир-терсак йиғиб топширдилар. Бу ишда институтнинг агрономия, агрохимия, экономика факультетлари студентлари активлик кўрсатмоқдалар. Ф. Аметов, Р. Абдуллаева, Ж. Қўчқоров, Ҳ. Мавлонов каби комсомоллар бошқаларга намуна бўлишмоқда.

И. ИСМОИЛОВ.

Йўловчилар талаби

Чиғатой ҳам серқатнов кўчалардан бири. Лекин кўпдан ремонт талаб. Ёғин-сочинли кунларда кўчадаги беҳисоб ўнқир-чўнқир жойларда ҳовузчалар пайдо бўлади. Автомашиналар бошдан-оёқ ён атрофга лой, нфлос сув сачратиб қатнайди. Айрим жойлар шунчалик бузилганки, уни айланиб ўтиш учун машиналар пиёдалар йўлидан юради. Шу сабаб йўловчилар, айниқса ёш болалар ва кексаларнинг юриши қийинлашиб, кўнгилсизлик хавфи туғилялти.

Йўл қурилиш ташкилотларн бу кўчанинг ремонтига эртароқ киришса яхши бўларди.

Е. ҚАРШИБОЕВ,

Фотоқоғоз қидириб

Суратга тушиш учун Киров кўчасидаги фотоательега кириб, ажойиб ҳангомалар устидан чиқиб қолдик. Ҳона одамларга лиқ тўла, ғала-ғовур. Бири «Сурат қачон тайёр бўлади» деса, иккинчиси, «эрта-индингизнинг чеки бормн ўзи» дер эди. Яна бири сурат деб ишдан қолиб кетаётганлигидан шикоят қиларди.

— 14 март куни расмга тушгандим, — изоҳ берарди бири, — иккинчи марта келишим, расм ҳали ҳам тайёр эмас. Мен КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилиндим, бюрога боришим керак.

Фотограф Собиржон Алимов фотоқоғозлар етишмаётир, деб бамайлихотир жавоб берялти.

Шаҳримизнинг расм ҳоналарида қоғоз етишмаётгани тўғрими?

Худди шу савол билан фотоателье бошлиғи ўртоқ Бобожоновга мурожаат қилдик. У биргина бу ательеда эмас, бошқарма складларида ҳам фотоқоғоз йўқлигини айтди.

— Мен Тошкент шаҳридаги магазинлардан фотоқоғоз топа олмагач, Қозоғистон территориясидаги магазинлардан қидириб, топиб келишга мажбур бўлдим, — дейди шаҳримизнинг Ҳамза кўчасида яшовчи фотоҳаваскор Абдувоҳоб Маннопов.

Ҳақиқатда шаҳримизда фотоқоғоз — анқонинг уруғи бўлиб қолаяпти. Қанчадан-қанча маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари фотостудия, фотоателье, фотографиялар қоғоз етишмагани туфайли ишни сусайтириб қўймоқдалар. Энди ўрганиб келаётган фотоҳаваскорларнинг ҳафсаласи пир бўлаётгани эса ўзўзидан маълум.

Бурчига амал қилмаётган тегишли ташкилотлар раҳбарлари фотоқоғоз ҳақида ҳам газетага ҳат ёзишга мажбур қилишаётганларини тушуниш керак.

И. ТАСЛИМОВ,
С. САИДАЗИМОВ,
К. НИЯЗМБЕТОВ.

Боғ — ўқувчилар оталиғида

119-мактаб ўқувчилари ободонлаштириш ойлигида фаол қатнашмоқдалар. Мактаб ўқувчилари Собир Раҳимов номли боғни ўз оталиқларига олишди, улар бу ердаги гуллар ва дарахтларни парвариш қилиш билан бирга боғ атрофини тозалашмоқдалар, шанбаликлар ўтказиб, ободончиликка муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ҳ. МИРОЛИМОВА.

Бахт кечаси

Гўзал шаҳримизда баҳор нафаси уфуриб турибди. Гул ғунчалар уйғонган. Шаҳримизнинг ҳамма жойида иш-ишга, тўй-тўйга уланиб бормоқда. Яқинда Тошкент тўқимачилик институтининг ошхонасида икки ёш қалбнинг бахт кечаси бўлиб ўтди. Куёв Тошкент тўқимачилик институти механика факультетининг 3-курс студенти Шайдулло Мирсаидов, келин эса Тошкент Давлат педагогика институтининг тарих филология факультети II-курс студенти Менгой Норбоевадир. Кечада 8 олий ўқув даргоҳидан студентлар қатнашиб келин билан куёвга бахт-саодат, узоқ умр, фаровон турмуш тилашди.

Т. ҲАЙИТОВ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 2-БЕТ
16 АПРЕЛЬ, 1968 И.

ТОШКЕНТДА «ЛЕНИН ЖУМАЛИГИ»

Тошкентда «Ленин жумаликлари» шонли традиция бўлиб қолди. Москва шаҳар партия комитети роса ярим аср илгари бу традицияга асос қўйган эди. Москва корхоналарида «жума митинглари» ўтказилиб, буларда марказий комитет аъзолари, халқ комиссарлари ва бошқа раҳбар ходимлар Ильич билан биргаликда иштирок қилар эдилар. Худди шундан ўрнак олиниб, ҳозирги пайтда Тошкент корхоналарининг ишчилари ва хизматчилари билан учрашувлар ўтказилмоқда.

12 апрелда навбатдаги «жумалик» В. И. Ленинининг ҳаёти ва фаолиятига, Ленининг назарий меросини пропаганда қилишга бағишланди. Шу куни тарихчилар ва философлар, район партия комитетларининг секретарлари, шунингдек Ленинни кўриш ва унинг сўзларини эшитиш каби бахтга муяссар бўлган кекса коммунистлар корхоналарда ва қурилишларда сўзга чиқдилар. 153-қурилиш трестининг ҳеч юзлаб ишчилари халқ хўжалиги институти доценти Қ. П. Отамирзаевнинг халқлар дўстлиги Ленин идеяларининг тантанаси тўғрисидаги мазмунли докладини эътибор билан тингладилар. Тошкентдаги олий партия мактабининг доценти А. Исеев «Ташкентқабель» заводида комсомолнинг III съезди тўғрисдаги хотираларини сўзлаб берди. Бу съездда В. И. Ленин нутқ сўзлаган эди.

Шу куни «Ленин жумаликлари» тўқимачилик комбинатида, машинасозлик заводларида ва бошқа корхоналарда ҳам ўтказилди. Олимлар ўз лекцияларини Ленининг социализм қуриш планига ва Ўрта Осиё республикаларида ҳамда Ўзбекистонда бу планнинг амалга оширилишига бағишладилар. «Ленин ҳамиша биз билан бирга», «Ленинизм — совет ташқи сиёсатининг илмий негизи», «Ленин — йўлбошчи, назарнётчи, инсонпарвар», «Ленининг ҳаёти ва фаолияти — ёшлар учун ўрнак» деган мавзуларда суҳбатлар ўтказилди.

(ЎзТАГ).

ДОҲИЙ СЕВГАН ҚЎШИҚЛАР

Тошкентда уй-жой қураётган Новосибирск қурилиш-монтаж поездининг ишчилари учун ўтказилган лекция-концертда Владимир Ильич Ленин севган қўшиқлар садоси янгради. Ўзбекистон пойтахтидаги музикашунослар, санъат усталари бинокорларнинг меҳмони бўлдилар. Тошкентдаги электротехника заводи клубида ўтказилган шундай кечада Ўзбекистон Давлат филармониясининг артистлари концерт қўйиб беришди. Концертдан кейин жаҳондаги биринчи социалистик давлатнинг асосчиси тўғрисидаги кинофильмлардан айрим парчалар кўрсатилди.

Лекция-концертлар шаҳар партия ташкилотларининг В. И. Ленин туғилган кунининг 98 йиллигига тайёргарлик соҳасидаги ўз ишларида фойдаланаётган кўп формаларнинг биридир. Куйбишев районидаги кутубхоналар китобхонларнинг конференциясн Ленининг совет адабиётидаги образига бағишланди. Тельман номли маданият ва истироҳат паркининг партия ташкилотининг ҳисоботчи-лекторлари ҳам шу ерда ўз ишларини ҳисобот берадилар.

Ленин ҳамиша биз билан бирга деган кинолекторий очилди. Кинолекцияларда «Улуғ ҳаёт саҳифалари»ни кўрсатиш учун саксондан ортиқ бадиий, хроника — ҳужжатли фильмлар танлаб олинди.

(ЎзТАГ).

БИР КУНЛИК МАРШРУТ

Олой тоғлари ўзининг баланд чўққилари, шўх оқар дарёлари, турли-туман ўсимликлари, ранг-баранг тошлари ва соф ҳавоси билан кишини ўзига жалб қилади. Бу тоғлар жуда қадимги тоғлар бўлиб, уларнинг бағрида қанчадан-қанча инсонга маълум бўлмаган фойдали қазилма бойликлар яширинб ётган бўлса керак...

Эрта тонг. Қушларнинг ёқимли, сайроқи овози кишига ўзгача ҳузур бахш этмоқда. Мовий осмон ҳар кундагидан тиниқроқ, кечаси бўлиб ўтган ёмғир тоғ чўққиларига қор кўрпасини ёпиб кетипти. Бугун ҳам одатдагидек нонуштани яхшилаб қилиб олгач, мен, Файзулла Мирқосимов ва Валерий Четин рюкзак, болғача, компас, рулетка, карта, арқон, намуналар учун халталар олиб белгиланган маршрут томон қоя бўйлаб аста-секин кўтарила бошладик. Илгари лаб юриш қийин бўлиб қолди. Шунда Файзулла Мирқосимов чақонлик билан тик қирралик тошлар устига чиқиб олдида бизга арқон узатди. Мен ва Валерий мана шу арқонга тирмашиб аста-секин юқорига кўтарилдик. Сўнгра яна йўлимизни давом эттирдик. Ниҳоят белгиланган ерга етиб келиб, бироз дам олдик-да картага қараб, керакли белгиларни ниҳошга олгач, пастдан юқорига қараб геологик кесманн карбон даври оҳактошлари бўйлаб текширишга тушдик. Мен кесманинг барча белгиларини яхшилаб таърифлаб дафтарчага ёза бошладим. Файзулла эса кесманинг керакли ҳар хил элементларини қунт билан ўлчар, Валерий ҳар бир қатламдан намуналар олиб, уларга маълум кўргазмалар ёзар ва халталарга солиб, рюкзакларга жойларди. Шу тариқа текширишларимиз анчагина жуда яхши борди. Аммо, худди мана шу ернинг тепасида пайдо бўлган пага-пага туя-булутлар тўдаси қаттиқ ёмғирга айланиб ёғиб ўтиб кетди. Биз бироз тўхтаб турдик-да, шалаббо бўлган кийимларимизни сиқиб олдик. Сўнг ишни яна давом эттирдик.

Рюкзакларнинг оғирлигига, тикка-га кўтарилишимиз туфайли анча чарчаган бўлишимизга қарамай шу қазилма бойликнинг манбаини топишга қарор қилдик.

— Мана боксит қатлами! — деб Файзулла Мирқосимов оҳактошлар орасида қатлам-қатлам бўлиб ётган тор жинсларини кўрсатди.

Бу ҳақиқий боксит қатлами эди. Бу қатламлардан керакли намуналарни олиб, улар устида асосий текширув ишларини олиб бордик. Шу тариқа Жанубий Фарғонадаги Олой тоғларида яна бир — Дувана-тош номли боксит конн топилди. Сўнгра аста-секин пастга томон тушиб борар эканмиз кун қоралашлади. Лагерга яқинлашарканмиз кимнингдир ўт ёқаётгани кўриниб турарди. Бу бизнинг ошпазимиз Жамол Насриддинов бўлса керак, у жуда ширин таом тайёрлаётганга ўхшайди. Ҳозир бориб маза қилиб овқатланиб, сўнг ҳордиқ чиқарамиз.

С. ИСҲОҚОВ,
геология-минералогия фанлари кандидати.

Тошкент бадиий сопол буюмлар заводи коллективи 1 Май байрам олди меҳнат вахтасида туриб меҳнат қилаётир.

СУРАТДА: корхонанинг зарбдор ишчиси уста Карим Олимов айланма механизм ёрдамида қоришма тайёрламоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

СИФАТ ТЕЗ АНИҚЛАНАДИ

Тошкентда яна бир бор Давлат махсус конструкторлик бюроси тузилди. Бюро «Хлопкоприбор» деб аталади. «Хлопкоприбор» бюросининг олдига қўйган мақсади ўз конструкторларининг ижодий фикрларини турмушга тадбиқ этишдан иборатдир. Бунинг учун ҳозир Чилонзор массивида корхона қурилмоқда.

Янги корхона турли хил асбоблар ишлаб чиқариш учун ихтисослаштирилади. Бу ерда ишлаб чиқарилган асбоблар ёрдамида пахта ҳосилининг ва пахта толасидан тайёрланадиган маҳсулотларнинг сифати тез ва соз аниқланади.

Республикамиз далаларида пахта етиштиришнинг тез суръатлар билан ўсиши ва пишиб етилган ҳосилни қисқа муддатда йиғиб-териб олиниаётганлиги Давлат махсус конструкторлик бюроси тузиш ҳамда янги завод барпо этиш зарурлигини тақозо этди. Ҳақиқатан ҳам Совет Иттифоқида пахта етиштириш ҳажми бўйича 1970 йил даражасига етилди. Мамлакатимизда етиштирилаётган пахта технологик кўрсаткичлари бўйича Америкадаги етиштирилаётган пахталардан устун туради. Шундай ютуқларга эришилаётганлиги билан бир қаторда мамлакатимизда етиштирилган «оқ олтин» ҳосилини қайта ишлашда айрим нобудгарчиликлар ҳам бўлиб туради.

Қабул пунктларига топширилган пахта ҳосилида хас-хашак аралашганлиги пахта толасини йигириш ишларига бир мунча ҳалақит беради. Шунинг билан бирга меҳнат унумдорлигининг ортишига тўсқинлик қилади ва тайёрланган газмоллар сифатига ҳам таъсир кўрсатади. Бундай ҳолдан тўқимачиларга ёқмайди, албатта. Тошкент асбобсозлари совет «оқ олтин»ининг сифатини аниқ белгилашда конструкторлар яратган асбоблар билан ёрдам берадилар.

СССР чет эл мамлакатларига пахта толаси экспорт қилишда ҳозир жаҳон мамлакатлари орасида АҚШдан кейин иккинчи ўринни мустаҳкам эгаллаб турибди. Совет Иттифоқи чет эл мамлакатларига чиқараётган пахтанинг учдан икки қисмидан кўпроғи Ўзбекистон далаларида етиштирилган «оқ олтин» ҳосилидан юборилаяпти. Ўзбекистон «оқ олтин»ини Англия, Польша, Франция, Чехословакия, Италия, Япония каби йигирмадан ортиқ мамлакат харид қилаётганлиги республикамизда пахтачилик нақадар ривожланганлигининг ёркин тимсолидир.

Тула кўчаларида «Детский» сўзлари ёзилган автобус пайдо бўлди. У автобус эрталаб болаларни боғчага олиб бориш пайтида қатнайди. Кечқурун эса кичкинтойларни уйларига элтиб кўяди. Бекатларда маълум вақтда «Детский» автобусини ота-оналар кутиб олишади.

СУРАТДА: ёш йўловчиларнинг «Детский» автобусига чиқиш пайти.

П. Маслов фотоси. ТАСС фотохроникаси

МАДАДКОРЛАР

Бемор аҳволи танг бўлиб қолганда, врачлар унга қон қуйишни тавсия этишади. Беморга қуйиладиган қон худди ўз қон группасига мос бўлиши керак. Шундай қон донорлардан олинади. Донорлар ўз қони билан ўзгалар дардига малҳам бўлаётган кишилардир.

С. Раҳимов кўчасидаги 9-поликлиникада донорлар куни ўтказилди. Бош врач Т. Файзиева ва санитария маорифи ишларини олиб борувчи ҳамшира Ф. Курматовалар ташаббуси билан ўтказилган бу кунда донорлар 15 литр қон топширдилар. Улар ўз қонини пулсиз, ёрдам сифатида топширишди. М. Каримова, Т. Камолов ва бошқа донорларга уларнинг бу саҳоватли ишлари учун ташаккур изҳор қилди.

Г. ТУРСУНОВ.

СУРАТДА: донорлар врач қабулида.

ТОҒЛАР ҚУЧОҒИГА

Мусаффо водийлар, адирлар, шалолалар жамоли кишининг баҳри-дилини очади.

Ўтган шанба куни Москва, Украина бинокорлари тушган қатор-қатор машиналар Чимён қучоғига йўл олди.

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети физика факультетининг 60 студенти ҳам Чимёнда дам олишди. Улар учун ажратилган махсус автобус ҳар ҳафтада хизмат кўрсатяпти. Университетнинг тарих, филология, география факультетларининг талабалари ҳам саёҳатларда бўлишди.

Университет комсомол комитетининг секретари Ю. Ф. Коненко студентларнинг дам олишлари ҳақида бир неча янгиликларни айтиб берди.

— Биология факультети талабалари «машъала» кечаси ташкил қилишмоқчи. Бу кеча студентларнинг чинакам дам олиш куни бўлади. Бундан ташқари университет бўйича катта байрам тантанаси бўлади. Унга студентлар шаҳарчасида университет ўқув корпуслари ва ётоқхоналарини қураётган азаматлар азиз меҳмон сифатида таклиф этилади.

●●●

● ПОЙТАХТ ҚУРИЛИШЛАРИДА

БАЙРАМГА ТУҲФА

«Малобешагач» ва «Локомотив» кўчаларининг муюлишида яна бир улкан иморат пад кўтармоқда. Биринчи навати аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш комбинатига мўлжалланган ва юқори қаватларн 76 хонадонни ўз бағрига оладиган бу бинони 5-қурилиш трести 3-бош қармасининг Михаил Васильевич Федунов бошчилигидаги комплекс бригада аъзолари бунёд этишмоқда.

Шу кунларда бу объектда бўлган киши бинокорларнинг гайратшижоатидан беҳад завқланади. Бригаданинг Виктор Ульбин, Константин Манлаков, Виталий Доронин, Матилди Маковка сингари кўпгина шундорлари ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришиб, ҳамкасб дўстларига намуна бўлмондалар.

— Коллективимиз аъзолари бу муҳташам бинони 1 Май байрами арафасида фойдаланишга топшириш мажбуриятини олишган, — дейди қурилиш участкаси прораби А. И. Мешчеряков. — Бир ёқадан бош чиқариб, фидокорона меҳнат қилаётган бунёдкорларимиз ўз сўзларининг устидан албатта чиқадилар.

М. ТУРОБОВ.

● Иқтисодий ислоҳот амалда

ИККИ ЙИЛ ЯКУНИ

Комбинатимиз шаҳардаги корхоналар орасида биринчилардан бўлиб, 1966 йилнинг февраль ойидан планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтиб ишлаяпти. Биз бу тадбирни амалга ошириш учун катта тайёргарлик кўрдик. Асосий фондларнинг самарадорлигини ва меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни бошқариш структурасини такомиллаштириш, меҳнатни илмий ташкил этишни жорий қилиш, ишчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги системасини қўллаш соҳасида бир мунча ишлар қилинди. Автокомбинатнинг ҳамма бўлинмаларида хўжалик ҳисобини жорий этишга эътибор берилди ва шу мақсадда планлаштириш ва ҳисоб-китоб системасининг кўрсаткичлари аниқланди. У ёки бу мижознинг иш шароити эътиборга олинган ҳолда автомашиналарнинг маркаларига қараб рентабеллиги аниқланди.

Ҳамма савдо юкларини марказлаштирилган усулда ташиш йўлга қўйилди. Бу тадбир юкни ортиш, тушириш вақтида иш вақтининг йўқолишини 25 процентга қисқартирди ва юк ташиш суръатини тезлаштирди. Юк ташишнинг марказлаштирилган усули жорий қилиниши автокомбинат хизмат қилаётган корхоналарда экспедитор ва юкчилар сонини қисқартириш имконини берди. Ҳозир уларнинг вазифасини шоферлар бажаришяпти. Автотранспортни бевосита юк ортиладиган жойга юбориш графиги ишлаб чиқилиб амалда жорий қилинганлиги натижасида икки йил мобайнида машиналарнинг бўш қатнаши 1 миллион 300 минг километрга камайди.

Биз ташийдиган юкларнинг аксарий қисми енгил юклар эканини ҳисобга олиб ихтисослаштирилган составлар ташкил қилишга киришдик. Масалан, илгари тараларни савдо тармоқларидан тара ремонт қиладиган заводларга олиб бориш учун ҳар бири 900 килограммдан ортиқ юк кўтара олмайдиган 30 тадан ортиқ ГАЗ—51 автомашинаси ажратилганди. Эндиликда бу ишни тара ташишга ихтисослаштирилган 18 та машина бажаряпти. Нон ташийдиган автомобилларнинг конструкциясига ўзгартириш киритилгач, уларнинг юк кўтариш қуввати 1080 килограммдан 1565 килограммга етказилди.

Комбинат ташкил қилингандан бери биринчи марта автоприцеплардан фойдаланиш йўлга қўйилди. Икки йил мобайнида прицепларда 102,1 минг тонна юк ташилди ва 2.803 минг тонна-километр йўл босилди. Бу, комбинатда бир ой мобайнида ташкилдаги юк миқдори билан баравардир.

Айниқса 6-автоколоннада рентабеллнкни ошириш соҳасида улкан ишлар қилинди. Колоннада илгари нон ташийдиган автомашиналар 1,5 сменада ишларди. Эндиликда иш уч сменада ташкил қилинди. Шоферлар вақтдан унумли фойдаланиб автомашиналарда аввалгидан анча кўп йўл босяптилар. Автоколоннада илгари 140 автомашина бажарган ишни айни вақтда 87 автомашина жараяпти. Кейинги икки йил мобайнида колоннада рентабеллик даражаси 9 процентдан 43 процентга кўтарилди.

Комбинатда техника хизмати ва ремонт ишлари марказлаштирилган усулда амалга оширилаётган бўлди, агрегат ва узелларнинг номенклатурадаги запаси юзага келтирилди, камёб деталларни қайта ишлаш йўлга қўйилди. Асосий ишлаб чиқариш цехлари реконструкция қилинди, ремонт билан шуғулланадиган ишчиларнинг меҳнат шароити яхшиланди.

Ремонт ишлари икки сменада ташкил қилинди. Ремонтчиларга ишбай мукофот системасида ҳақ тўлаш йўлга қўйилди.

Олдиндан белгиланган тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида моддий рағбатлантиришнинг янги системасини тўғри жорий қилиш мумкин бўлди. Автотранспорт хизматида шоферлар етакчи куч эканини ҳисобга олиб, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга эътибор бердик. Мижозларга қандай хизмат кўрсатаётганлиги ва кунлик топшириқни қандай бажараётганлигини назарда тутиб, биз ишбай усулида ишлайдиган шоферларга топшириқнинг мураккаблиги ва муҳимлигига қараб туриб ойлик маошининг 35 процентигача бўлган миқдорда мукофот пули беришни йўлга қўйдик. Шунингдек, шоферлар манзилдан қайтишда автомашинада юк ортиб қайтсалар иш ҳақининг 30 процентн миқдорида мукофот пули олядилар. Агар бу иш бевосита шоферларнинг ташаббуси билан бўлса, унга иш ҳақининг 50 процентн миқдорида мукофот пули берилади.

Ремонт билан банд бўлган ишчиларга ҳам ремонтдан чиққан автомобилларнинг қандай ишлаётганлигига қараб ишбай мукофот системасида ҳақ тўлана бошланди. Натижада меҳнат унумдорлиги 44 процентга ортди ва ремонт билан банд бўлган ишчилар сонини 64 кишига камайтиришга имкон берди. 1965 йилда ҳар бир ремонтчининг ойлик ўртача иш ҳақи 93 сўмни ташкил қилганди, ўтган йили эса моддий рағбатлантириш фондидан берилган мукофот пули билан қўшиб ҳисобланганда ҳар бир ремонтчи ойига 149 сўмдан ҳақ олди.

Бизда инженер-техник ходимлар ва хизматчиларни мукофотлаш техника-иқтисодий кўрсаткичлар ва фойданинг ўсишига ҳамда рентабеллик даражасига боғлиқ қилиб қўйилган. Ўтган икки йил мобайнидаги молия-хўжалик фаолиятининг натижалари янги системанинг самарадорлигини яққол кўрсатди. Техника-эксплуатация кўрсаткичларини ўсиши билан бирга биз ажойиб иқтисодий натижаларни қўлга киритдик. **Икки йил мобайнида комбинат даромади 11,6 процентга, бюджетга тўланадиган тўловлар 17 процентга, фойда эса 2,2 бараварга ошди. Пландан ташқари олинган фойда 656 минг сўмни ташкил қилди.** Корхонада юк ташиш таннархининг арзонлаштирилганлиги пландан ташқари олинаётган фойданинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

1966 йилда 305 минг сўм миқдорида. 1967 йилда 406 минг сўм миқдорида корхона фондн ташкил қилдик. Шу маблағлардан 427 минг сўмни ишчи ва инженер-техник ходимларни, хизматчиларни рағбатлантириш ва мукофотлаш, моддий ёрдам кўрсатишга сарфландик.

Соцнал-маданий тадбирлар фондидаги маблағдан мебель, ошхона учун асбоб-ускуналар сотиб олинди, бепул сартарошхона очилди, санаторий ва дам олиш уйларига 250 путёвка, чолғу асбоблари, турли хил спорт инвентарлари сотиб олинди. Комбинат маъмурияти Чорвоқ ва сув омборларидаги дам олиш уйини ҳам соцнал-маданий тадбирлар учун ажратилган маблағ ҳисобидан қурялти.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондидаги маблағдан автомашиналарни қайта жиҳозлаш, янги объектлар қуришда фойдаланиляпти. Иқтисодий ислоҳот меҳнат интизомини мустаҳкамлади, кадрлар қўнимсизлигини кескин камайтирди. Ишчилар ўз зиммаларига юклатилган вазифани бажармай йўлида тинмай изланадиган бўлиб қолдилар, уларнинг меҳнат унумдорлиги ошди.

Кейинги икки йилда қўлга киритилган ютуқларда коллектив ўртасида ўзаро социалистик мусобақани авж олдирилганлиги ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. 2 ва 5-автоколонналарнинг илғор ишчилари катта ташаббус билан меҳнат қилиб мусобақада пешқадамлик кўрсатдилар. Т. Саймамов, Б. Майдель, Д. Попуца, А. Лян, Н. Скрипченко бошлиқ коммунистик меҳнат бригадалари коллективлари топширилган вазифага онгли муносабатда бўлиб, ойлик ва квартал планларини мутазам ошириб бажяптилар. Бу бригадаларда юксак меҳнат интизоми йўлга қўйилган. Ишчилар ҳар бир топшириқни ўз муддатида сифатли бажаришга ҳаракат қиладилар.

Коллективнинг ўтган йил тўртинчи кварталдаги юксак иш натижалари учун корхонамиз шаҳар партия комитети ва ижроия комитетининг қарори билан шаҳар «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди ва республика Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи ҳамда биринчи даражали пул мукофотини олди.

Ишчилар айни вақтда В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига беш йиллик планни барвақт бажариш учун курашяптилар. Уларнинг ҳаракати чакки эмас. Комбинатда 1968 йилнинг биринчи кварталн муваффақият билан якунланди, юк ташиш, автомашиналарнинг бўш қатнашини камайтириш ҳамда планга қўшимча фойда олиш топшириқлари анча барвақт бажарилди. Комбинатдаги ҳозирги иш суръатлари коллектив иккинчи кварталда ҳам катта ютуқларни қўлга киритишидан дарак бермоқда.

В. И. ГОРЛОВА,
2-автокомбинат бош экономисти.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИДА босилгандан кейин

„АВТОБУСЛАР, АВТОБУСЛАР...“

Газетамизнинг шу йил 10 январь сонида босилган «Автобуслар, автобуслар...» сарлавҳали танқидий хабарда Октябрь район колхоз бозори майдонидан қатнайдиган айрим автобусларнинг, шунингдек, 35- ва 39-маршрутларнинг тартибсиз қатнови кўрсатилган эди.

3-автобус паркидан олинган жавобда кўрсатилишича, газета материали 35- ва 39-маршрутда қатнайдиган автобуслар ҳайдовчилари ўртасида муҳокама қилинди.

Ҳақиқатан ҳам январь ва февраль ойларида бу маршрутларда автобусларнинг пландагидан кам қатнагани туфайли айрим тартибсизликлар содир бўлган. Бу масала ҳал этилди, автобуслар қатнови нормал йўлга қўйилди. Шунингдек бу маршрутларда ишлаётган шоферлар аҳолига транспорт хизматини янада яхшилаш юзасидан конкрет топшириқлар олдилар.

Киевда коллоид химияси ва сув химияси институти тузилди. Янги илмий муассасанинг ходимлари Украина ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Ф. Д. Овчаренко бошчилигида ўтга чидамли ва кислотага чидамли материаллар проблемаси устида, шунингдек, металл полимерлар, катализаторлар, нўпгина саноат тармоқлари, химия, нефтни қайта ишлаш, нефт қазиш, озиқ-овқат саноатида ишлатилдиган моддаларни тўлдириш устида иш олиб борадилар.

СУРАТДА: Сувсиз диспетчерлик системасидаги электрохимия бўлимининг ходимлари Неля Ковганич ва Алла Лобастова углеводород хоссаларининг диэлектроника хусусиятини ўлчашмоқда.

И. Кропивницкий фотоси, АПН.

ҲАЖВИЯ

Сади РУДЯНУ
(Румин ёзувчиси)

МЕҲМОНДА

— Ҳа, жонгинам беш минутдан сўнг мен ҳам тайёр бўламан. Қаерга борамиз дейсан? Анжеланикигами? Тўйининг беш йиллигинги нишонлашигами? Яшасин Анжела, эсдан чиқазмабди! Қандай қилиб? Нега энди якка ўзимни экан. Ахир, иккимизнинг таклиф қилган-ку! Мана ҳозир соқолимни оламан-да... Ким учун соқолингни оляпсан деганинг нимаси? Ахир, соқолимни ўстириб боролмайман-ку. Ҳа, жонгинам, агарда уйда қолганимизда, эртага соқолимни олган бўлардим, ахир, кеч кириб қоляпти-ку!

Майли, соқолимни олмай бора қоламан, жилла бўлмаса оқ кўйлагимни кияй? Кўк кўйлагимни кийганимда сенга ёқишимни биламан. Ахир, уч кундан бери у эгнимдан тушмайди-ку. Мен ҳам одам бўлиб меҳмонга тоза кўйлакда бора оламанми? Ҳа, яхши-яхши, сен айтганча кўк кўйлагимда кетавераман! Нега энди ойнага қараяпсан, дейсанми? Кўрмаяпсанми, шляпамни кийяпманку. Қани кетдик. Мана, автобусга ҳам чиқдик. Кондукторга қараб жилмайяпман? Нима бало, кўрмаяпсанми, ахир, кондуктор эркак киши-ку.

Жонгинам, мана иккинчи подъезддаги учинчи этажнинг йигирма биринчи хонасига ҳам етиб келдик. Адресни қаёқдан биласан дейсанми? Ахир, биз аввал ҳам бирга келмабмидик? Тушунсанг-чи, қўнғироқ тугмасини уч марта босганимданам хавфсираяпсанми? Қара, «Илиесканинг хотини учун уч марта қўнғироқ чалинсин», — деб ёзиб қўйилибди. Шунинг учун қўнғироқ тугмасини уч марта босдим, холос.

Ҳа, Анжела бугун чинданам гул-гуд очиб кетганди. Менгагина ноз-карашма-ла қараш қиляпти дейсанми? Мен фақатгина қўлини қисиб табриклади м, холос. Бўлмаса кимга қарашим керак эди, а? Е уй бекасини шкафга қараб туриб табриклаш керакми сенингча!

Ҳа, чинданам кўп киши йиғилибди. Албатта, аёллар ўтиришнинг гули. Худо ҳаққи, уларга қиё боқаётганим йўқ. Мен сенга аёллар жуда кўп экан, демоқчи эдим, холос. Қайси, малла сочлига икки марта қараб қўйдинг, деяпсан? Унинг ўзи менга қараб ўтирса, мен айбдорманми? Азизам, қарагин, сени танцага таклиф қилишяпти. Бора қол, жоним, бора қол, рад қилиш одобдан эмас...

Ўтир, жуда чарчаганга ўхшайсан. Менми? Ҳа, мен ҳам танцага тушдим. Йўқ, йўқ, у малланн атайин танлаганим йўқ, қарасам, якка ўзи қолибди. Е таба-ей, ахир, уни, бағримга босмай танцага тушдим-ку! Мен уни ҳеч нам танимайман. Яхши-яхши, сен хоҳламадингми, яна танцага тушмайман-қўя ман, вассалом.

Юр, ҳамма стол атрофидан ўз ўрнини эгаллапти... Эшитинсанми, фақат хотинларингиз билан ўтирманглар дейишяпти. Йўқ, йўқ, жонгинам, ниманлар деяпсан! Фақат сен билангина ўтираман. Ол, азизам, ҳамма овқатга қараяпти, фақат бизгина бир-биримизга имо-ишора қилиб гаплашиш билан оворамиз. Салат жудаям яхши экан. Ҳа, жонгинам, албатта, сен жудаям соҳибжамолсан. Бир бўлак-кина гўштдан олиб есам.. Йўқ, фақат сенгина бу ердагилар ичида энг соҳибжамолисан. Товуқ гўштининг мазасини билмоқчи эдим... Ахир, мен атрофимиздагиларнинг ҳаммаси тавнюю тараққос деганимдан кейин ишонишинг керак-да... Ия, анави дўлмани қара... Ҳа, жонгинам, сени жондилдан севаман, ўтинаман, бир оз тамадди қилиб олишим учун бир оз тинч қўй!.. Кўряпсанми, ҳамма стол атрофидан бирин-кетин турияпти. Йўқ, мен яна рақсга тушмайман, рақс тушишга мадор қайда...

Нима? Эртага Жиналарникига таклиф қилинганмиз? Йўқ-йўқ, раҳмат, бугунги кечанинг ўзи менга етиб ортади. Нима? Анжеланинг эри сенга: «Хотиним ҳаммадан рашк қиларкан, бу ҳаёт, ҳаёт эмас, зиндон!» — деб нолидими? Даҳшат! Гапинг жуда тўғри, рашкчи хотин бошга битган бало. Тавба, ҳеч тушунолмаяпман, қандай қилиб беш йил у билан умр қилиб келяпти. Ҳа, жонгинам, мен дунёда жудаям бахтли кишиман! Нега хўрсиниб қўйяпсан дейсанми? Менми?! Сенга шундай тушлигандир.

Русчадан М. Жўраева таржимаси.

БАҲОР ОҲАНГЛАРИ

Гулзор чаман, юр боғларга,
Элтай етаклаб.
Бинафшалар териб берай
Сенга этаклаб.

Усмон НОСИР.

Баҳор тонг отари боғлар навоси,
Булбуллар келгандай туюлар майин.
Шу онда мен сени соғинган каби
Йўлингга кўзимни тикдим атайин.

Офтоб нурларининг сахийлигидай,
Юрак тўлқинлари тошади бу тонг.
Фаслар эркаси навбаҳор кези,
Қўшиқ жаранглайди дилга ҳамоҳанг.

Сени, дўстларингни кўргим келади,
Келгил боғларимга, баҳорларимга.
Шоир ҳавасидай бинафша териб,
Булбул наво қилай наҳорларингга.

Тоғлар шалоласи шаҳрим оралаб,
Анҳор, ариқларда сувлар малларанг.
Меҳрим чашмасидай бу сатрларим,
Мазмун жўшишига дўстларим қаранг.

Шаҳрим жамолини баҳордай кўриб,
Боғлар, чаманларда кутаман меҳмон,
Наврўзи олам деб гуллар сайлига
Даврага йиғилса оймомол меҳмон.

Баҳор тонг отари боғлар навоси,
Булбуллар келгандай туюлар майин.
Шу онда мен сени соғинган каби
Йўлингга кўзимни тикдим атайин.

ЛИРИК САДОЛАР

(МАЯ БОРИСОВАДАН)

Ёқмай қолди сенга гулбоғим,
Гулин топиб отдим бағридан.
Ёқмай қолди шўх арғумоғим,
Мен унинг ҳам ўтдим баҳридан.
Жияклари лоларанг, кўркам
Ҳолатим ҳам ёқмади сенга.
Йиртиб отдим халатимни ҳам,
Ярашса-да, кийганда менга.
На истасанг келтирдим бажо,
Ва кўнглингни овладим, бироқ,
Кўнглинг узра бошқа ўйлар жо
Ширин-ширин хаёллар хамроҳ.
Ўзни топтаб ташлаган азим,
Боғда ғунча-гул товланармиш,
Узим йиртиб отган халатим
Лоларангда хал-хал ёнармиш.
Мени унут қилган арғумоқ
Кишнашидан мен лол қолмишман.
Сакраб миниб унга вақти чоғ,
Юганини қўлга олмишман.
Қушдек уч, деб унга ишқибоз
Узангидан тутганим сари.
Жилмасмишман топтасам-да, боз
Камол топган боғимдан нари.

* * *

Кўкка қараб жўш урсам унда чеҳранг
Кўзгуга қараб юрсам унда чеҳранг,
Сайр айласам боғ оша,
Сўлим гулга
Маҳлиё боқиб турсам, унда чеҳранг.
Қай бир қўшним кўз юмди тонг чоғида
Йўқ дафнга бормайман
Мен оҳида
Не қиламан, борсам-у кўриб қолсам
Чеҳрангни қора тобут қучоғида.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

ГУЛ, ЛОЛАЛАР, ПОЯНДОЗ

«Қумсаб ёшлигимни лолага чиқдим.
Бошланг, кўйнакчанг ва ялангоёқ.
Ерни соғинибман қуёшни, кўкни,
Борни баҳордан ҳам ажиб тантироқ!..

Туроб ТЎЛА.

Шоирлар, ғазалхонлар, севишганлар, боринги, қўпчилик учун лола севги рамзидир. Ўлкамизда баҳор гулларининг султони лола очилди. Одамлар дўст-ёрлари билан лола сайлига чиқиб, кўклам ҳавосидан баҳраманд бўлишяпти. Лола ҳақида шоирлар шеър битадилар, халқ лолага атаб қўшиқлар тўқийди.

Биз яқинда 20 киши бўлиб, Бўстонлиққа сайлга чиқдик. Ҳаммаёқ қип-қизил лола. Ерга бахмал тўшалгандек. Ҳамма ўзини лолага ташлади.

Бир жойга тўпланиб ош дамлай бошладик. Ҳамманинг баҳри-дили очилган... Қиз-йигитларнинг, даврадаги хандалари очилиб турган лолани эслатади.

Териб келинган лолалар сўлий бошлади.

Ичимдан эзилдим. Нега шунча шафқатсизлик, қўполлик... Ахир лолазор пайҳон бўлиб қолай деди. Ош едик. Ҳамроҳларим яна очкўзлик билан лолага ташланишди. Чет тиллар институтининг 2 курс студенти Мамасоли Ражабов сўлиган лолаларни атрофга сочди-да, янгиларини таги-туги билан юла бошлади.

— Мамасоли, шунча лолани бекорга нобуд қилиб нима қиласан, — дедим.

— Ҳе, нимаси нобуд бўлади? Таги серобку, — жавоб берди бепарволик билан.

Кўпчилик шу фикрда эканига афсусландим. Машина олдига келдик. Атрофимизда узилган лолага қараб ҳайрон бўлдим. Шунинг ҳаммасини олиб кетамизми? деб хаёлимдан ўтказдим. Ўртоқларим биттадан букет ясаб олишди, қолган лолалар тўпланган жойида ер бағирлаб ётарди. Шундай қилиб шаҳарга қайтдик.

Ҳар баҳорда минглаб кишилар лола сайлига чиқадилар. Натижада лола камайиб кетади.

Лолани нобуд қилмайлик!

Ҳ. ҲАБИБУЛЛАЕВ.

БУДАПЕШТ. Пойтахтнинг «Эриель» театрида Венгрия гастролига келган таниқли грузин опера куйчиси Медея Амиранашвилининг чиқиши бўлди. Унинг иштирокида Верднинг «Травната» операсида шу номли партия ижро этилди.

СУРАТДА: Медея Амиранашвили ва Венгрия операсининг солисти Дьердь Коронди саҳнада.

МТИ — ТАСС фотоси.

ЛАВҲА

Киев шаҳри. Украина Фанлар академиясига қарашли сарой залн иттифоқимизнинг таниқли фан арбоблари, медик-олимлари ва илмий ходимлар билан тўлган. Бу ерда Бутуниттифоқ гигиеначилар съезди иш олиб боряпти. Мажлис раиси навбатдаги нотиқни минбарга таклиф қилиб:

— Энди сўз Тошкентдаги Ўлка медицина институтининг директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби профессор Ғулом Маҳкамович Маҳкамовга!— деб эълон қилди.

Минбарга елкалари кенг, снйрак сочларига оқ оралаган ва чеҳрасидан қандайдир олимларга хос улуғворлик барқ уриб турган ҳижла қоматдор бир киши кўтарилди.

— Ўртоқлар!— деб бошлайди у гапини хотиржам оҳангда,— мен профессор Покровскийнинг: «Иссиқ иқлимда яшовчи кишилар организмига кам миқдорда оқсил моддаси талаб қилинади,—деган фикрига қўшила олмайман. Тўғри, жазирама иссиқда иштаҳа пасаяди. Лекин бу бизга овқат таркибига кирувчи оқсил моддасини камайтиришни тавсия этиш ҳуқуқини бермайди. Бизнинг иссиқ иқлимда ошқозон, ичак касалликларининг нисбатан кўп учраши, эҳтимол, худди шу оқсил моддаси керагидан кам миқдорда истеъмол қилинишн туфайлидир..

Иттифоқимизнинг атоқли олимлари билан бунчалик дадил бас бойлашиб, мунозара қилишга журъат этган қайси ўзбек олими экан, деган савол туғилиши табиий. Олимнинг ҳаёти, илмий ва ижодий фаолияти билан яқиндан танишиш мақсади бизни Тошкент Давлат медицина институтига йўллади.

Мана, институтдамиз. Пештоқига «Овқатланиш гигиенаси кафедраси» деб ёзилган эшикни оҳиста тақиллатдик.

— Киринг.

Хонада миқтидан келган бўйдор бир йигит алланима ёзиб ўтирган экан.

— Аспирант Ботир Саидов, — ўзини таништирди у қўл узатиб.

Маҳкамовни сўрадик.

— Устоз лекцияда эдиларку!— деди у бизга афсуслангандай боқиб.— Ишингиз жуда зарур эдими?.. Ундай бўлса, устоз келгунларича мен сизга..,

Ботир шундай дея стол орқасидаги катта шкафни очиб, алланима қидира бошлади.

— Топдим, мана,—у ёзув машинкада битилган икки варақ қоғоз узатди,— бу Ғулом Маҳкамовичга қисқа характеристика. Анови куни нимагаям керак қилиб ёздиришганди. Устоз келгунларича ўқиб турсангиз..

Медицина фанлари доктори профессор Маҳкамов овқатланиш гигиенаси бўйича республикада бош мутахассислардан бўлиб, Ўзбекистонда соғлиқни сақлашнинг ташкилотчиларидан ҳамда йирик фан ва жамоат арбобидир, дейилган эди унда.

1927 йили педагогика техникумини тугатган ёш педагог Тошкент шаҳри мактабларида ўқитувчилик қила бошларкан, айни пайтда Ўрта Осиё Давлат университетида ҳам ўқий бошлади ва 1932 йилда университетнинг медицина факультетини тамомлади. 1933 йили Маҳкамов соғлиқни сақлаш ва ЎзССР Халқ Комиссариати социал гигиенаси институтининг аспирантурасига қабул қилинди.

1935 йилда у ўз билимини чуқурлаштириш мақсадида Москвага йўлланма олади ва у ердан Тошкент медицина институти экспериментал гигиена кафедрасига ишга келади. Шу пайтдан бошлаб унинг ўқитувчилик ва илмий фаолияти гуриллай бошлайди.

ПРОФЕССОРНИ КУТИБ...

1940 йили Маҳкамов медицина фанлари кандидати илмий даражасини олади ва шу йили «Умумий гигиена» кафедрасига доцент қилиб тайинланади.

Ёш олим Улуғ Ватан уруши йиллари даврида Совет Армияси сафида ЎзССР НКВД— МВД санитария бўлими бошлиғи лавозимида иш олиб боради.

1951 йилда профессор Маҳкамов республикада санитария хизматини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш министрлиги аппаратига чақирилади ва у ерда санитария-эпидемиология бошқармасига бошчилик қилади. Республикада юқумли касалликларга қарши курашда, халқнинг санитария-гигиена соҳасидаги тушунчасини кўтаришда, «кўк-мараз», «камлир чопон» каби заҳарли чиқиндилар билан заҳарланишнинг олдини олишда, даволаш ва болалар муассасаларида овқатни витаминлаштириш соҳасида, умуман овқатланишни тўғри ташкил қилиш ва бошқа кўпгина ишларда ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди.

Ғ. М. Маҳкамов бу даврда ўзининг соғлиқни сақлашдаги ташкилий ишлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда илмий иш ҳам олиб боради. 1958 йили бу ишларини умумлаштириб, «Овқатланиш ва унинг болалар соғлиғи ва жисмоний тараққиётига таъсири» деган темада диссертация ёқлайди. Олимлар совети унга «Медицина фанлари доктори» илмий даражасининг берилишини бир овоздан қўллаб-қувватлайдилар.

1958 йилнинг декабрь ойидан бошлаб у ўлка медицина институтига директор қилиб тайинланади ва шу кунгача ишлаб келяпти.

Профессор Маҳкамов 10 фан доктори ва 80 дан ортиқ фан кандидати етишиб чиқишида яқиндан ёрдам берди. Ўзи шахсан 4 фан кандидати тайёрлади ва ҳозирги кунда 2 та докторлик диссертациясига, 7 аспирант ва илмий ходимга раҳбарлик қилмоқда. Республикамизнинг ҳар бир бурчагида Маҳкамовнинг шогирдларини учратиш мумкин. Улар даволаш-профилактика муассасаларида жонбозлик кўрсатиб, халқ соғлиғи учун курашмоқдалар.

Профессор Маҳкамов 90 га яқин илмий ишнинг ва 2 та монографиянинг муаллифидир.

Ғулом Маҳкамович ажойиб олим ва педагог бўлибгина қолмай актив жамоатчи ҳамдир. У Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш министрлиги илмий медицина совети президиуми аъзоси, «соғлом ва бемор кишн овқатланишининг илмий асослари» Бутуниттифоқ проблемасининг ЎзССР бўйича раҳбари, Бутуниттифоқ «Вопроси питания» журнали ва «Ўзбекистон медицина журнали» таҳрир ҳайъатига аъзо ва ундан ташқари «Билим» жамияти республика правлениеси президиумининг аъзоси ҳамда медицина секциясининг раиси ҳисобланади.

Партия ва халқ олдидаги хизматлари эвазига у ЎзССР Олий Советининг 4 та Фахрий ёрлиғи билан, «Соғлиқни сақлаш аълочиси» значоги билан мукофотланган. 1947 йилда ЎзССР Олий Совети президиумининг фармонига биноан профессор Ғ. М. Маҳкамовга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач» унвони берилди.

Ана шу атоқли олим, забардаст жамоат арбоби яқинда 60 ёшга тўлди. Ҳаётининг энг ажойиб ва энг қирчиллама даврини совимли халқига, партия хизматига бағишлаган бу олижаноб одамни дўст ва шогирдлари, кенг жамоатчилик чин дилдан қутлади.

Хонага қора сумка кўтарган икки йигит билан профессор кириб келганда, биз характеристикани ўқиб бўлган эдик.

Ҳ. ШАЙХОВ.

НУКУС. Нукусдаги Маданият уйи қошида ташкил қилинган драма, рақс ва ашула ансамбли «Қирқ қиз» дуторчилар ва вокаль тўгараги муваффақиятли ишламоқда. Яқинда у ерда хотин-қизлар эстрада оркестри ташкил қилинди. Солистлар қорақалпоқ қизларидан иборат. Улар ҳозир катта концерт программасини тайёрлашмоқда.

СУРАТДА: репетиция пайти.

А. Ходанов фотоси. (ЎзТАГ).

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

СТРЕССНЕР АҚШГА НЕГА БОРИБ КЕЛДИ?

Парагвай ҳарбий диктатурасининг бошлиғи, Америка монополияси ҳамда маҳаллий йирик латифундистлар ва олибсотарларининг хизматкори бўлган генерал Альфред Стресснернинг АҚШга қилган визити тугади. Ҳа, президент Жонсон коммунистларга қарши реакцион сиёсат юргизаётганлиги билан уялмай мақтанаётган энг шафқатсиз жаллодни, ўз мамлакатининг ошкор хоинн ва Пентагон сиёсатини сидқидиллик билан амалга оширувчи жиноятчини ўз ёнига расмий равишда таклиф қилишдан тортинмн туролмади.

Парагвайнинг биринчи даражали жиноятчисига Вашингтонда кўрсатилган ҳўрмат ва иззатлар Америка ҳукуматининг Парагвай ва бошқа мамлакатлардаги ҳарбий режимларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаётганини кўрсатувчи яна бир далилдир.

Маълумки генерал Стресснер 1954 йилнинг 4 майда фашистларнинг ҳарбий тўнтариши натижасида ҳукумат тепасига чиқиб олган эди. Бу тўнтариш плани Американинг Парагвайдаги ҳарбий миссияси ва АҚШ олий ҳарбий қўмондонлиги томонидан ишлаб чиқилганди. Шунингдек янкилар империализми Латин Америкасининг бир қатор мамлакатларида ҳамда бошқа континентларда реакцион давлат тўнтаришларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлганлиги ҳаммага маълум.

Кейинги йилларда Вашингтон реакцион режимларга сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий ёрдамларни анча кучайтириб юборди. АҚШ ўз ифлос ишлари учун жаҳон жандарми деган лақабни бежиз олган эмас-да! Бу мамлакат ерида Вашингтоннинг ўз эҳтиёжлари, шунингдек бошқа мамлакатларнинг сотқин олигархияларн учун жосуслар, қотиллар, партизанларга қарши жазолаш чораларини амалга оширувчи мутахассислар тайёрлаб етиштирилади.

Агар Парагвай ҳақида гапирадиган бўлсак шуни айтиш керакки, унинг диктатура бошлиғини тилга олмаганда ҳам ҳозирги миллий мудофаа министри генерал Леодегар Кабельо, полиция бошлиғи генерал Франсиско Бритес, Санто-Доминготдаги «Америка мамлакатларнаро тинчлик кучлари» деб аталган разведка хизматининг собиқ бошлиғи полковник Кубас Барбосо ва бошқалар АҚШда таълим олдилар. Панамада ва бошқа районларда Пентагон томонидан ташкил этилган махсус мактабларда Парагвайнинг кўп сонли офицерлари ва бошқа Латин Америкаси давлатларининг полиция мансабдорлари «фан курси»ни ўтмоқдалар. Уларни ўз мамлакатларида революцион ва демократик кучларни бостиришга ўргатмоқдалар.

Ўтган йил охирида АҚШ армиясининг капитани, Американинг Асунсьондаги ҳарбий миссиясининг аъзоси Хосе С. Берардуккн Парагвай армиясининг 52 офицери ва сержанти учун ҳарбий разведка бўйича лекциялар ўқиди.

Хўш, Стресснернинг АҚШга қилган визитидан кузатган асосий мақсади нима эди? Шу нарсани назарда тутиш керакки, Вашингтондагилар «пайти келди» дейиши биланоқ Америка қўғирчоқлари чақчақ ўйинига тушиб кетишади. Парагвай армиясининг «АБС Колор» номли газетаси ўз вақтида, — Стресснер 1967 йилнинг 11 февралида ўтказилган сайлов найрангвозлиги натижасида президентликка «қайта сайланганидан кейин» ўзининг шимолдаги хўжайинларидан Парагвайнинг Чако районида 135 квадрат километрдан кўпроқ келадиган территориядаги АҚШ ҳарбий-ҳаво базасини жойлаштириш ҳақида буйруқ олди. Пентагон бу районда социалистик мамлакатлар ва биринчи навбатда СССРга қарши йўналтирилган ракеталар ва қудратли радар қурилмалар, старт майдонлари жойлаштиришни мўлжаллаяпти. Бу планнинг амалга оширилиши Парагвайнинг яшашга жиддий хавф туғдиради. Уруш бўлиб қолгудек бўлса, у қитъалараро ракеталар билан бомбардимон қилиниши турган гап. АҚШнинг мустамлакачилик сиёсатига бўйсуниш Парагвай учун нақадар кулфатлар келтириши кўриниб турибди. Шунингдек Стресснер мамлакатнинг миллий бойликлари янкилар монополиясига сотиш ҳақидаги битимга имзо чекиш ҳамда янги қарзлар сўраш учун ҳам АҚШга қилган визитидан фойдаланди. Диктатор Парагвай ватанпарварларига қарши жазолаш чораларини янада кучайтириш юзасидан ўз зиммасига янги мажбуриятлар олди, Антонио Майдана, Альфред Алькорт, Хулио Рохас ва уларнинг ўртоқларини бундан кейин ҳам зиндонларда сақлашга ваъда берди.

Парагвайнинг меҳнаткашлар оммаси Стресснернинг Вашингтонга қилган визити ўзлари учун бирон яхшилик келтирмаслигини яхши тушунадилар, албатта. Улар Америка «ёрдам»лари демократларга қарши янги жазолаш чораларини қўлланиш, ишсизликнинг янада кучайиши, қашшоқлик ва очликдан бошқа нарса келтирмаслигини ўз аччиқ тажрибаларида кўриб ишонганлар.

Стресснер ва империализмнинг бошқа малайлари «тинчлик ва тараққиёт эрасн» ҳақида жуда кўп гапирадилар. Бироқ ҳатто келишувчи матбуот тамомила бошқа нарсани тасдиқламоқда. Яқинда Сан-Эстанислао районидаги Иайху номли колонияда деҳқон оиласининг болалари очликдан қирилиб кетгани ҳақидаги ҳабарни эшитирди. Бугунги Парагвайнинг фожиали ҳақиқати ана шунақа.

Лекин менинг мамлакатимнинг демократлари ҳамда прогрессив кучлари империализмнинг юзага келтирилиши миллатга душман ни йиқитиш, демократик ҳукумат юзага келтириш, Парагвайни тўла миллий озодликка ва социал тараққиётга олиб борадиган бирдан-бир тўғри йўлдир.

Уго КАМПОС,
Парагвай коммунистик партияси марказий комитети сиёсий комиссиясининг аъзоси.

(АПН).



Польша ва Чехословакия территориясидан ўтадиган Европанинг энг асосий сув артерияларидан бири Одра (Одер) дарёси бу йил муздан эрта тозланди. Бу икки қардош халқ кемачилари муддатидан бир неча ҳафта олдин йўлга чиқишларига имконият берди.

СУРАТДА: Одра дарёсидаги кемалар карвони Опол шаҳри ёнида.

ЦАФ — ТАСС фотоси.

Ук учрашув

И. С. ТУРГЕНЕВ

Қишлоқда ишга кетаётган икки деҳқондан улар билган ҳамма нарсаяни билиб олдим: чунончи, шундан хабар топдимки, мен борган кўрғонли қишлоқни Михайловск қишлоғи деб аташаркан, у майорнинг беваси Анна Федоровна Шликовага қарашли экан, унинг турмуш қурмаган Пелагея Федоровна Бадаева исмли синглиси бор экан. Ҳар иккиси бой, ёши ўтиб қолган экан, уйларида деярли яшашмас, доимо сафарда бўлишаркан, иккита чўри-ю, ошпаздан бўлак ҳеч кимни ушлашмасакан. Анна Федоровна яқинда ёлғиз синглиси билан Москвадан келган экан... Бу охирги гап мени қаттиқ ташвишга солиб қўйди, ахир менинг нотаниш аёлим тўғрисида гапиришни ҳатто деҳқонга ҳам тақиқлаб қўйганларини гумон қилиш ақлга сиғмас эди. Қирқ бешларга кирган бева Анна Федоровна Шликова билан кеча мен кўрган ёш, чиройли аёл иккови бир деб ўйлаш сира-сира ҳақиқатга тўғри келмасди. Одамларнинг таъриф-тавсифларига қараганда Пелагея Федоровна ҳусндор эмасди, боз устига Соррентода мен кўрган аёлни Пелагея, яна Бадаева деб аташлари тўғрисидаги фикрининг ўзиданоқ елкамни қисдиму газабнок кулиб юбордим. Ахир уни мен куни кеча шу уйда кўрдим-ку, ўз кўзим билан кўрдимку, деб ўйлардим. Кўнглим бузилиб кетди, қоним қайнаб, лекин азму қароримда мустаҳкам туриб, шу ондаёқ кўрғонга қайтишга шайландим-у, аммо соатга қараб ҳали олти ҳам бўлмаганини кўрдим. Мен кутишга жазм қилдим. Қўрғондагилар ахтимол ухлаб ётишган эди... бундай барвақт уй ёнида ўралашиб юриш беҳуда шубҳа туғилишига сабабчи бўларди. устига устак қаршимда бутазор ястаниб ётар, унинг орқасида тоғ тераклар кўзга ташланарди. Тан бермай иложим йўқ, мени ҳар хил фикрлар ҳар қанча безовта қилмасин, овга бўлган кучли эҳтирос қалбимда ҳали сўнмаган эди: «Балки овга айланишсам, вақт ўтгани билинмас» деб ўйлаб бутазорга кирдим. Лекин ростини айтсам, мен ҳардам ҳаёл, ов қоидаларига мутлақо амал қилмай борардим, итни муттасил кузатмасдим, қалин бута устида тўхтаб, патир-путур қилиб қизил қош лойўрак учиб чиқармикин деган умидда пишқирмасдим, нуқул соатга қарардим. бундан ҳам бемаъни иш бўладими. Мана ниҳоят соат тўққиз бўлди. Мен овозимни чиқариб: «Кетдим!» —деб хитоб қилиб энди кўрғон томонга қайтмоқчи бўлиб эдим, мендан икки қадам наридаги қуюқ ўт ичидан ногаҳон патиллаганча катта бир лойўрак кўтарилди: ўқ узиб ажойиб қушни қанотидан яradор қилдим, қуш йиқилай деди-ю, лекин амал-тақал қилиб кўтарилиб кетди, қанотларини парт-парт уриб шўнғий-шўнғий ўрмон томон учди. биринчи учраган тоғ тераклар, тепасидан ўтиб кетмоқчи бўлди-ю, бироқ силласи қуриб, теракзорга тошдек қуларди. Бундай ўлжани ташлаб кетиш ноқўрлик бўларди: мен унинг орқасидан илдам чопиб, ўрмонга кирдим-да, Дианкага ишора қилдим, хийла вақтдан кейин қушнинг заиф чағиллашини ва патирлашини эшитдим, шўрлик лойўрак зийрак итнинг панжалари тагида жон талвасасида питирчиларди. Мен қушни олиб, илвасихалтага солиб, ёнимга қарадим-у, турган жойимда тошдек қотиб қолдим...

Мен ичига кирган ўрмон шу қадар қалин эдики, қуш йиқилган жойга минг машаққат билан етиб бордим: лекин мендан сал наридан иланг-биланг арава йўл ўтарди, шу йўлдан отни секин ҳайдаб ёнма-ён соҳибжамоли билан кеча ёнимдан от чопиб ўтган эркак келарди: уни мен мўйловидан танидим. Улар чурқ этмай, бир-бирларининг қўлларини ушлашиб секин-аста келишарди, уларнинг отлари чиройли бўйинларини чўзиб, соллана-соллана эринибгина қадам ташларди. Дастлабки қўрқувдан халос бўлиб хушимни бошимга йиғиб олгач, ҳа, худди шундай қўрқувдан бирдан мени чулғаб олган туйғуни бундан бошқача номлай олмайман... Жувонга маҳлиё бўлиб тикилиб қолдим. Қанчалар сулув эди у, зумраддек ям-яшил кўкатлар орасида унинг сарв қомати мен томон қанчалик жозиба кашф этиб келарди-я! Майин соялар, нафис шуълалар унинг устида, узун сурранг кўйлагида, бир томонга салгина қийшайган ингичка бўйнида, оч пушти ранг чеҳрасида. пастгина шляпаси тагидан қулф уриб чиқиб турган кап-кора тусдек сочларида жилва қиларди. Лекин унинг чеҳрасида балқиб турган бахтиёрлик эҳтироси ҳузур-ҳаловат ифодасини таърифлашга қалам ожиз. Бу ифодани тўё унинг бошқа кўтаролмай бир ёнга қийшайгандай кўринарди: унинг ярмисини киприклари беркитган шаҳло кўзларида олтин учқунлар чақнарди: бу бахтли кўзлар ҳеч қаёққа қарамасди. ингичка қошлар улар устида ёйдай тортилган эди. Лабларида новвоқ, болаларча табассум, қувонч билан йўғрилган табассум ўйнарди. Ҳаддан ортиқ бахт тўё уни толиқтиргандек сал буккандек эди, ахир ғунча ҳам яшнаб очилганида баъзан ўз новдасини букиб юборади-ку, унинг қўллари шалвираганча битгаси ёнида отда келаётган эркагининг қўлида. иккинчиси отнинг ялринида ётарди. Мен аёлни шунингдек эркакни ҳам кўздан кечириб улгурдим... У қадди-басти келишган, ҳушрўйгина эди. башараси русларникига ўхшамасди. Эркак ҳамроҳига дадил, қувноқ кўз ташларди, фахмлашимча. ғурур-ифтихор билан унга маҳлиё боқарди. Нобакор маҳлиё боқарди. ўзидан ниҳоятда мамнун эди, унинг кўнгли унча эримаган, унчалик ийиб кетмаган. ҳа, шундай, ийиб кетмаган эди... Дарвоқе, қандай одам бундай садоқатга сазовор қандай гўзал қалб бошқа қалбга бунчалик бахт ато этишга қодир... Ростини айтсам, эркакка ҳасадим келди!.. Бу орада улар рўпарамга келиб қолишди... шу пайт итим югургилаб йўлга чиқди-да, акиллади... Нотаниш аёл чўчиб тушди, ялт этиб қаради-ю. мени кўргач. отнинг бўйнига шапт билан қамчи урди. От пишқирди, кейинги оёғида тик туриб, олдинги оёқларини олдинга бир йўла ташлади-да, чопиб кетди... Эркак ҳам шу заҳоти зулукдек отининг биқинига шпорини ниқтади-ю, елдек учириб кетди, ҳийла вақтдан кейин йўлдан ўрмон ёқасига чиққанимда улар олтиндек товланиб турган йироқ-йироқларда, дала бўйдаб эгарда бир текис. чиройли тебранганча от қўйиб боришарди... кўрғонга эмас, бошқа томонга кетишарди...

Мен қараб турдим... Улар кўп ўтмай, уфқнинг қорайиб турган этагида қуёш нурида ярқ этишди-ю, тепалик орқасида ғойиб бўлишди. Мен турдим-турдим-да, кейин бир-бир босиб ўрмонга қайтдим ва қўлим билан кўзимни бекитиб олдим-у, йўлкага ўтирдим. Шуни аниқладимки, бегона одамлар билан учрашганингизда, кўзингизни юмсангиз, уларнинг сиймоси шу заҳоти кўз олдингизда намоён бўлади; йўлкада ўтирганимда чиқарган хулосамнинг тўғрилигини ҳамма ҳам синаб кўриши мумкин. Одам қанча таниш бўлса кўз олдига келтириш шунча қийин, таассуротни ноаниқ бўлади: уларни эслайсану кўролмайсан... ўз башарангни эса сира ҳам тасаввур қилолмайсан... Баъзи икир-чикир ерлари эсингда бўлади-ю, лекин яхлитлигича кўз олдингга келмайди. Шундай қилиб, ўтирдим-да. кўзимни бекитганим ҳамоно нотаниш аёлни ва унинг ҳамроҳини, отларини, ҳаммаҳаммасини кўрдим... айниқса эркакнинг кулиб турган башараси аниқ ва равшан кўринди. Мен унинг башарасига тикилдим... бироқ у гапланиб қандайдир қўнғир ранг ичида эриб кетди, ундан кейин аёлнинг сиймоси ҳам узоқлашиб йўқолди ва бошқа сира қайтиб келмади. Мен кўзғолдим. «Нима ҳам дердик! Ҳар ҳолда уларни кўрдим-ку, икковини рўй-рост кўрдим... энди номларини билиш қолди» деб ўйладим. Номларини билишга уриниш! Қандай ножўя, бачкана қизиқувчанлик! Лекин ont ичиб айтамканки. қалбимда туғён урган нарса қизиқув эмасди: ростда, тасодиф ажиб тарзда, зўр бериб мени уларга духоб қилавергач, уларнинг жуда бўлмаса кимлигини аниқламасам бўлармиди. Дарвоқе энди мендаги тоқатсизлик. илгариги ҳайронлик йўқолган, унинг ўрнини қандайдир ноаниқ қайғули туйғу эгаллаган эди. бундан ўзим сал-пал уялардим... Мен ҳасад қилардим...

Мен қўрғонга қайтишга ошиқмадим. Очигини айтсам, бировларнинг сиридан воқиф бўлишдан номус қилардим. Устига устак ошиқ-маъшуқларнинг чарогон қуёш нурида кутилмаганда, тақрор айтаман, бемавруд пайдо бўлишидан қўнглим тинчидигина эмас, ҳафсалам ҳам пир бўлди. Энди мен бу ҳодисада ҳеч қандай ғайри табиий, мўъжизавий... рўёбга чиқмайдиган тушга ўхшаш нарсаларни кўрмасдим...

Мен яна илгаригига қараганда зўр ҳафсала билан ов қила бошладим: бироқ ҳар қалай ҳақиқий шавқу-зақ йўқ эди менда. Мен қур жўжалари таласини қўриб қолдим-у. бир ярим соат овора бўлдим... Еш жўжалар ҳушгагимга узоқ вақт жавоб бермади. Бунинг боиси, унчалик—ўхшатиб хуштак чалмаганимдан бўлса керак. Қўрғон томон йўл олганимда қуёш найзага келган, соат ўн иккини кўрсатар эди. Мен бамайлихотир боардим. Мана, ниҳоят тепаликдаги пастак уй кўринди... Юрагим яна орзиқиб кетди, ҳаяжонланиб. Лукьяничин кўрганимда. очиғи суюндим. У ҳар вақтдагидек флигель олдидаги харракда тош қотиб ўтирарди. Дарвоза ҳам... дераза қопқоқлари ҳам берк эди.

Мен узоқданоқ:

— Салом, амаки! Офтобга исингани чиқдингизми?—деб қичқирдим...

(Давоми бор).

(Бошн газетанинг ўтган сонларида).

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИ

25 АПРЕЛГАЧА

КАТТА ТУҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРГАН 25 НОМДАГИ 300 ХИЛ РАНГЛИ ВА РАСМЛИ ИП-ГАЗЛАМАЛАРНИНГ БАҲОРГИ, БАЙРАМ ОЛДИ

САВДОСИНИ ЎТКАЗАДИ

ДУШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ЖУМА КУНЛАРИ КУНДУЗ СОАТ 3 ДАН 2 ҚАВАТДА ТАВСИЯ ҚИЛИНГАН ГАЗЛАМАЛАРДАН ТИКИЛГАН КУЙЛАКЛАР НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИ.

ХАРИД ҚИЛИНГАН ГАЗЛАМАНИ МАГАЗИННИНГ ЎЗИДА КИЙИМЛАРНИНГ ЯНГИ ФАСОНИДА БИЧТИРИШ МУМКИН.

Радио тўлқинларида

16 апрелда сешанба

Биринчи

18.00 Туркистонда суғориш ишлари ҳақида Ленин декретининг 50 йиллиги олдидан. «Бугюк план амалда» деган суҳбат (русча).
18.10 Ватан ҳақида қўшиқлар (русча).
18.40 Спорт эшиттириши (ўзбекча).
19.20 Ўзбекистон ССР халқ артистлари Ф. Раҳматова ва М. Ғофуров ижросида қўшиқлар.
20.00 «Ёшлик» радиостанциясининг программаси (ўзбекча).
20.30 Халқ куйлари (ўзбекча).
21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча).
21.10 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт.
22.20 Вальс кечаси (ўзбекча).
22.40 Санд Аҳмаднинг «Турналар» ҳикояси асосида радиоинсценировка (ўзбекча).
23.15 «Водийда баҳор» деган композиция (ўзбекча).

Иккинчи

19.00 С. Зуннунова. «Қўшиқларим» (ўзбекча).
19.30 С. Раҳманинов. Фортепьяно ва оркестр учун биринчи концерт.
20.00 Далада ишлаётганлар учун концерт (тожикча).
20.30 Қорақалпоқ куйлари.
20.50 Арманистон радиосининг эшиттириши (ўзбекча).
21.00 Ғайратий. «Завқий» радиоинсценировкаси (ўзбекча).
21.30 Москва. Миллионлар ленинча университети.

16 апрелда сешанба

Биринчи

(3-КАНАЛ)
Рус тилида:
18.00 Телевизион янгиликлар.
18.15 Енғиндан сақлаш ишлари ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган эшиттириш.
19.35 Эшиттиришлар программаси.
Ўзбек тилида:
19.40 Телевизион янгиликлар.
19.55 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп эшиттиришлар программаси.
20.35 «Адабий меросимиз ойнаижаҳонда». Абдулла Авлоний.
21.00 «25 аср шаҳри». Опера ва балет театрига бағишланган эшиттириш Самарқанд шаҳридан олиб кўрсатилади.

Иккинчи

(5-КАНАЛ)
Рус тилида:
18.00 Ўқув эшиттиришлари программаси. Ўқувчилар учун химиядан пластик массалар ҳақида эшиттириш.

Зангори экранда кўринг

18.40 2-курс студентлари учун назарий механикадан машғулот.
19.40 «Қурилишни комплекс механизациялаш» деган эшиттириш.
МОСКВА КЎРСАТАДИ
20.00 Эшиттиришлар программаси.
20.05 Телевизион янгиликлар.
20.15 Қишлоқ хўжалик билимлари телевизион академияси (иккинчи эшиттириш).
20.40 Инсон ва дин.
21.05 Ўқувчилар учун тасвирий санъат ҳақида эшиттириш.
21.30 Марксизм-ленинизм асослари мактаби тингловчилари учун. «Социализм сиёсий иқтисодидан суҳбат».
22.00 Чет эл спорти устала-ри.
22.30 Футбол бўйича СССР биринчилиги. «СПАРТАК» (Москва)—«ДИНАМО» (Москва). Танаффус вақтида ва охирида «Вақт» информацион программаси.

Кино

16 апрелда

Анна Каренина (кенг форматли икки серияли фильм) — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 6.15 ва 9.15 да).
Авлиё Януарий операцияси — «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «ДРУЖБА» (кечқуруи).
Эркак ва аёл — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқуруи).
Отелло Дюлахазеда — «МОСКВА» (кечқуруи).

17 апрелда

Авлиё Януарий операцияси — «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқуруи).
Эркак ва аёл — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқуруи).
Анна Каренина — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 6.15 ва 9.15 минутда).

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 17/IV да Анда, 18/IV да Дон-Жуан.
МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/IV да Қалам қошлигим, 18/IV да Нурхон.

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ИНСТИТУТИНИНГ СТУДЕНТЛАР ИЛМИЙ ЖАМИЯТИ

Тошкент олий ўқув юртлари студентларини

К. Маркс туғилган кунининг 150 йиллиги ва Ленин комсомолининг 50 йиллигига бағишланган жамоат фанлари, ВЛКСМ тарихи ва халқаро ёшлар ҳаракати проблемалари бўйича

студентларнинг илмий-назарий ва техника конференциясида

ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Конференция Тошкент тўқимачилик институтида 17 апрель эрталаб соат 9 да бошланади.

СТУДЕНТЛАР ИЛМИЙ ЖАМИЯТИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

МАВСУМНИНГ ЕПИЛИШИ

олдидан

16, 17, 19, 20, 21 апрелда энг ёш ўргатувчи Борис Денисов раҳбарлигидаги ШЕРЛАР АТТРАКЦИОНИНИНГ

ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ

РСФСР да хизмат кўрсатган артист Борис Вятнин иштирок этади.

Билетлар сотилмоқда.

26 апрель кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тарих, тил ва адабиётшунослик бўлимлари бирлашган илмий совет мажлиси да (Гоголь кўчаси. 70 уй, катта конференц зал фойесида) тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун

К. Усенбоев; «Киргизистон. даги 1916 йилги қўзғолон» деган темада

МОНОГРАФИЯ ЁҚЛАЙДИ

Монография билан академия кутубхонасида (А. Тўқаев кўчаси, 1 уй) танишиш мумкин.

Тошкент шаҳар, Октябрь район 40-ўрта мактаб томонидан Турғун Ҳакимбувлев номига берилган 462589 номерли йўқолган

ЕТУКЛИК АТТЕСТАТИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, Республика медицина ходимларининг касаба союзи ва травматология ва ортопедия институтининг коллективи, институтнинг нейрохирургия бўлими бошлиги

Носир Маҳмудович АҲМАДХУЖАЕВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Октябрь район халқ маориф бўлими ва касаба союз ташкилоти 141-мактаб педагогика коллективи шу мактаб ўқитувчиси

Карима ХУДОЙБЕРГАНОВАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади.

Франсуз юмори

Маслаҳат

— Айтинг-чи, жаноб,— деди доктор беморга,— бу ерга келмасдан олдин бирор киши билан маслаҳатлашдингизми?

— Ҳа, мен аптекага кирган эдим.

— Аптекачи олдига? У аҳмоқ сизга нима маслаҳат берди?

— У сизга учрашишимни айтди.

Баҳона

— Қишлоққа борганингизда яхши ҳордиқ чиқаргандирсиз? — сўради Дюлон хоним дугонасидан.

— Йўқ,— жавоб берди у.— Биз кўп вақтимизни меҳмонхонада ўтказдик. Имарага олган хона шундай қиммат эдики, ундан ило-жи борича унумли фойдаланишга ҳаракат қилдик.

Ланж

Жаноб Филипп ишга отланаётганда хотинидан сўради:

— Мария, нима маслаҳат берасан, зонтик ни олсаммикан?

— Узингиз биласиз.

— Бўлмаса ола кетай.

— Майли...

— Ёмғир ёғмаса-чи? Унда ҳалакит беради-ку?!

— Қолдирақолинг.

— Ёмғир ёғса-чи, бўлиб кетиш мумкин-ку!

— Ундай бўлса, ола кетинг.

— Сенга тушуниб бўлмади. Ол, олма деяверасан. Зонтик билан кетсам яхши бўлса керак!

— Билганингизни қилинг.

— Барометр эрталабдан кўтариляпти. Ҳаво яхши бўлса, зонтигимни тутмай йўқотиб қўяман. Олмаганим маъқул.

Жаноб Филипп чиқиб кетди. Кетатуриб ай. вонда зонтикни кўриб қолди, уни олди, кейин... дарвоза олдидаги хизматкор: олдинда қолдириб кетди.

Французчадан
У. Абдумажидова
таржимаси.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 1-58

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ. Коммутатор — 83-02-49 дан 83-02-58 гача, редактор ўринбосарлари — 83-29-33 83-29-09; масъул секретарлар — 83-27-22; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари — 83-29-42; саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 83-27-03; адабиёт, санъат ва маданият бўлими — 83-29-55; хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари — 83-29-70; фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари — 83-27-57; ахборот бўлими — 83-65-37; эълонлар бўлими — 83-81-42.

16 АПРЕЛЬ, 1968 Й. Р. 05818. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64579. Нашр. № 2365.